



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 137 (12.950)

Баҳоси эркин нарҳда

МУСТАҚИЛЛИК - INDEPENDENCE
24
O'ZBEKISTON

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

«НИҲОЛ» МУКОФОТИ СОВРИНДОРЛАРИ АНИҚЛАНДИ

«Туркистон» саройида «Ниҳол» мукофоти республика кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Маълумки тез орада барчамиз учун Энг улғу ва энг азиз бўлган байрам — Мустақиллигимизнинг 24 йиллигини нишонлаймиз. Утган йиллар давомида давлатимиз раҳбари раҳнамолигида ҳар бир соҳада кенг қўлмали ислохотлар олиб борилиб, айниқса таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, спорт, санъат, маънавият-маърифат йўналишлари ривожига муҳим эътибор қаратилди. Айниқса униб, ўсиб келаётган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, истеъдод ва иқтидорларини юзга чиқариш, уларнинг маънан ва жисмонан баркамол инсонлар бўлиб вояга етишлари йўлида катта савий-ҳаракатлар олиб борилди. Хусусан, Юртбошимиз ташаббуси билан ёш истеъдод ва иқти-

дор эгаларини аниқлаш мақсадида таъсис этилган «Ниҳол» мукофоти учун кўрик-танлов мусиқа, опера, рақс санъати, эстрада, мумтоз кўшиқ йўналишлари бўйича ўтказиб келинмоқда. Ушбу танловда ўзининг ижрочилик маҳорати билан одамларнинг юрагига етиб борадиган, ёшларни эзгуликка қорлайдиган, уларни маънавий баркамол инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қиладиган асарлар яратишда фаоллик кўрсатиб келаётган 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган ёшлар қатнашмоқдалар. Танловнинг туманлар саралаш босқичида 230 дан зиёд номзод қатнашиб, улардан 76 нафари шаҳар босқичига йўланма олди.

— Бугун ғолиблар сафида турганимдан жуда ҳаяжондаман, —

дейди танловнинг мусиқа йўналиши бўйича биринчи ўринни қўлга киритган Ўзбекистон давлат консерваториясининг 2-босқич талабаси Исроҳил Гуломов. — Юртимизда биз ёшларнинг таълим-тарбия олишимиз, маҳоратимиз, истеъдодимизни юзга чиқаришимиз учун барча шарт-шароитлар яратилгани янада фаол бўлишга, ўқиб-ўрганишга, изланишга даъват этади. Ўзимга билдирилган ишонччи албатта оқлашга ҳаракат қиламан.

Тадбирда кўрик-танловнинг Республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган 24 нафар ижрочиға диплом ва совғалар топширилди. Улар ижросидаги катта концерт дастури қатнашчиларда илиқ таассурот қолдирди.

ШОИРА МУҲАМЕДОВА
СУРАТДА: «Ниҳол» мукофоти кўрик-танловининг шаҳар босқичидан лавҳа
Исроҳил Исмоилов олган сурат

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ҳокимлиги томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, улар олдига турган айрим муаммоларни ўрганиш ва бартараф этиш масалаларига бағишланган учрашув ўтказилди.

ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Шаҳар ва туман ҳокимлиги мутасаддилари, солиқ, прокуратура, божхона, ички ишлар, архитектура, иқтисодиёт идоралари, банк муассасалари раҳбарлари, тадбиркорлар иштирок этган учрашувда Президентимиз Исроҳил Каримов раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли қимчи қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштиришда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Фармонга мувофиқ прокуратура идораларидаги «ишонч телефони» хизмати янада такомиллаштирилиши тадбиркорлик субъектлари фаолиятига давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органларининг асосий аралашуви бағам беришга хизмат қиладди.

Яккасарой тумани прокуратураси маълумотларига кўра, жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорлар томонидан «ишонч телефони» орқали шундай мазмундаги 30 га яқин шикоят келиб тушган. Ўрганишлар натижасида тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган.

Тумандаги тўрт мингдан зиёд тадбиркорлик субъектининг қарийб уч ярим мингтаси кичик бизнес соҳасида фаолият кўрсатаётди. Шундан 810 корхона саноат йўналишидаги тадбиркорлик субъекти ҳисобланади.

Тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига асосан туманда еттига лойиҳа амалга оширилиб, 9,1 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Худуд иқтисодиётида кичик бизнес секторининг салмоғи ортиб бормоқда. Хусусан, 2014 йилда соҳа вакил-

ларининг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 86,2 фоиз, хизмат кўрсатишда 60,6 фоиз, юк ташишда 82,3 фоиз, йўловчи ташишда 95,4 фоиз, қурилиш ишларида 71,8 фоизга етган.

Утган йили Яккасарой туманида яратилган 7846 иш ўрнининг 5805 таси кичик бизнес субъектлари томонидан ташкил қилинди. 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида 221 корхонага киритилган инвестициялар 1391 янги иш ўрни яратилишига таъмин қилди.

«Тошўқимачи» оид акциядорлик жамияти негизда ташкил этилган «Яккасарой технопарки» тадбиркорларга ишлаб чиқариш майдонларини имтиёзли шартларда ижарага бериш орқали кичик бизнес вакиллари ривожига қўмаклашди. Ҳозир бу ерда озиқ-овқат, мебелсозлик, қурилиш моллари, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи икки юзга яқин тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатмоқда.

— Беш йил олдин кредитга хориждан қозғош ишлаб чиқарадиган замонавий дастгоҳ келтириб ўрнатгандик, — дейди «Материал пласт продукт» корхонаси раҳбари Камола Аюпова. — Айни пайтда корхонамизда йилгига 2 миллиард сўмлик қозғош маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Президентимизнинг хусусий мулк ва кичик бизнесни ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга оид фармониға асосан тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазаси янада кенгайтирилиши фаолиятимизни тубдан ривожлантиришга хизмат қиладди.

Учрашувда тадбиркорларнинг саволларига мутасадди идоралар вакиллари аниқ жавоб қайтарди.

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов сўзга чиқди.

Б.БОЗОРОВ,
ЎЗА мухбири

ҲИНДИСТОН БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исроҳил Каримовнинг таклифиға биноан Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди 2015 йил 6-7 июль кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Олий даражадаги учрашув ва музокаралар чоғида Ўзбекистон — Ҳиндистон ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболлари, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар муҳокама қилинади.

Музокаралар якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси ва Ҳиндистон Республикасининг Қўшма баёноти қабул қилиниши, кўп қиррали ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган ҳужжатларро ва идораларро ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

ЎЗБЕКИСТОН — ҲИНДИСТОН:

ЎЗАРО МАНФААТГА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исроҳил Каримовнинг таклифиға биноан Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди жорий йилнинг 6 июль кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизга келади.

Конструктив руҳда изчил ривожланиб бораётган Ўзбекистон — Ҳиндистон ҳамкорлиги, кўп жиҳатдан, икки халқ ўртасидаги дўстона ва ўзаро ишончга асосланган муносабатларнинг юқори даражада эканлиги ҳамда қадимдан тарихий-маданий ва маънавий ришталар мустаҳкам боғланганлиги билан изоҳланади.

Давлатларимиз ўртасидаги алоқаларнинг янги солномаси Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши тарихи билан ҳамбарчас боғлиқ. Ҳиндистон мамлакатимизнинг давлат суверенитетини биринчилардан бўлиб тан олган. Дипломатия муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги Протокол эса 1992 йил 18 март кунли Тошкентда имзоланган эди.

Утган йиллар давомида мамлакатларимиз ўртасида давлатларро, ҳукуматларро ва идораларро аҳамиятга молик 80 га яқин ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Исроҳил Каримовнинг 2011 йил май ойида Ҳиндистонга буюрган давлат ташрифи икки томонлама муносабатлар ривожига муҳим воқеалик бўлди. Ушбу ташриф Ўзбекистон — Ҳиндистон ҳамкорлигини сифат жиҳатдан янги босқичга қўтарди. Олий даражадаги музокараларнинг якуни бўйича Қўшма баёнот қабул қилинди.

Икки давлат ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам ўтказилаётган сиёсий маслаҳатлашулар ҳам Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг кўп қиррали ҳамкорлигини раванқ топтиришга хизмат қилмоқда. Бунда халқаро ва минтақавий ташкилотлар, биринчи навбатда, БМТ доирасида ҳар икки давлат муваффақият билан ривожлантириб бораётган сиёсий алоқалар билан биргаликда савий-ҳаракатларнинг мусоли бўлаётгани.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик Ўзбекистон — Ҳиндистон алоқаларининг муҳим йўналишидан биридир. Томонлар тенг ва ўзаро манфаатли шериклики ҳаётага татбиқ этиш борасида бой тажрибага эга. Бунда 1992 йили тузилган ҳукуматларро комиссия самарали механизм вазифасини ўтамоқда. Утган йиллар давомида мазкур комиссиянинг ўнга йиғилиши бўлди.

Ҳозирги пайтда мамлакатларро ўзаро қулай савдо муҳити яратиш тизими амал қилмоқда. Утган йил якуниға кўра, Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги савдо айланимаси 315,9 миллион АҚШ доллари ташкил этди.

Бугунги кунда юртимизда ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида 23 та ҳинд компанияси аккредитациядан ўтган. Бундан ташқари, Ўзбекистон худудида ҳинд сармоiasi иштирокидаги 77 та, жумладан, тўлиқ чет эл капитали асосидаги 11 корхона иш олиб бормоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, енгил саноат соҳасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида 2012 йили Тошкентда, 2013 йили эса Деҳлида Тўқимачилик бўйича Ўзбекистон — Ҳиндистон қўшма ишчи гуруҳининг йиғилишлари бўлиб ўтди.

(Давоми 2-бетда)

2015 йил 6 июль, ДУШАНБА

XXI аср
Барча манбалардан
олинган сўнги
хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Термизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмаклашувчи комиссиясига ёрдам берувчи Сурхондарё вилояти ишчи гуруҳи ва халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳамкорлигида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларига бағишланган семинар-тренинг ўтказилди.

• Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши «Аёллар қаноти» ташаббуси билан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

• Наманганда «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда олий ўқув юртлари ҳамкорлигида «Йил талабаси» танлови бўлиб ўтди. Талаба ёшларнинг илм-фан, маданият, санъат ва спортга бўлган қизиқишини янада ошириш, истеъдодини қўллаб-қувватлаш, эришаётган муваффақиятларини муносиб рағбатлантириш, уларда ватанпарварлик ва миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғусини кучайтириш мақсадида ташкил этилган тадбирда Наманган давлат университети, Наманган муҳандислик-педагогика ҳамда Наманган муҳандислик-технология институтларидан 21 талаба иштирок этди.

• Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоятда мева ва сабзавот, узум ва полиз маҳсулотлари етиштириш, бу борадаги истиқболли режаларни белгилаб олиш, қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш ва модернизация қилиш, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ва четга экспортини йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди.

ЖАҲОНДА

• Арманистон пойтахти Ереванда электр қуввати тарифларининг оширилишига қарши норозилик намойишлари давом этмоқда.

• Сус курорт шаҳарчаси атрофида йирик террорчилик ҳаракати амалга оширилганидан сўнг бир ҳафта ўтгач Тунис президенти мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилди.

• АҚШнинг Флорида штатидаги Сувонни қайрёсида йирик осётёр балиғини қайёсида сакраб тушиши натижасида беш ёшли қизча ҳалок бўлди, унинг онаси ва акаси тан жароҳатлари олди. Маълумотларга қараганда, осётёр балиғи икки метргача баландликка қўтарилиши мумкин экан.

• Палеонтологлар ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида Африкадан топилган динозавр қолдиқларини ўрганиб, унинг янги турини аниқлашга муваффақ бўлишди. Юра даврида, бундан ҳамаси 200 миллион йил аввал яшаган мазкур янги динозавр тури сефапанозавр номини олди. Янги динозаврнинг бундай номланиши унинг товуқ суякларининг бирининг хоч шаклида эканлиги билан боғлиқ.

**Мустиқиллик йилларида
Юртбошимиз раҳнамолигида
юртимизда кенг кўламдаги
бунёдкорлик,
ободонлаштириш ва
кўкаламзорлаштириш
ишлари амалга
оширилмоқда. Айниқса
пойтахтимизда барпо
этилаётган маданий-
маъмурий иншоотлар, турар
жойлар, йўллар ва
кўприклар, хибонлар,
фавворалар, қайта
таъмирланиб, янгича ҳусну
тароват касб этган қадимий
обидалар, қадамжолар гўзал
ва бетакрор шаҳримиз
кўркига кўрк қўшмоқда.**

«Сиз Тошкентни биласизми?»: викторина давом этмоқда!



Ислом Исмаилов олган сурат

Маълумки, ўтган йили барча ёш тоифаларидаги ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларини қамаган ҳолда «Сиз Тошкентни биласизми?» викторинаси ташкил этилган эди. Барчада катта қизиқиш уйғотган ушбу викторина ҳамон давом этмоқда.

Газетамизда мунтазам равишда бериб борилаётган викторина саволларига ҳамшаҳарларимиз, шаҳримиз меҳмонлари ва энг аҳамиятли тури соҳа ходимларидан келаётган жавоблар бизни мамнун қилмоқда. Чунки юборилган жавоблар кўлами ва савияси мазкур викторина ёши, касби ва миллатидан қатъи назар барчада бирдек қизиқиш уйғотганини кўрсатмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, жавоб ёзганлар орасида викторинанинг олдинги босқичларида фаол қатнашганлар, беллашувга янги қўшилганлар ҳам кам эмас. Бу албатта викторинага нисбатан қизиқиш доирасининг тобора кенгайиб бораётганидан далолат беради. Хар бир босқич якунида ғолиблар ҳақида газетамиз саҳифаларида хабар бериб бормоқдамиз. Тахририятга келиб тушган материаллар орасида саволларга кенг, атрофлича жавоб берилганлари ҳам, қисқа, лўнда қилиб фикр билдирилганлари ҳам мавжуд. Энг муҳими, жавоб ёзганлар — аҳолининг турли қатламлари вакиллари билан иборат. Улар орасида зиёлилар, талаба ва ўқувчи-ёшлар, кекса отахон ва онахонлар, уй бекалари, турли касб эгалари бор.

Имкониятдан фойдаланиб муҳтарам газет-хонларимизга шуни айтиб қўйишни истар эдикки, викторина саволларига жавоб беришга киришгандан сўнг, яъни ҳар босқичда ўн та саволга жавоб берган маъқул. Чунки ғолибларни аниқлаш жараёнида бевосита жавобларнинг тўғри-нотўғрилиги ҳам, уларнинг ўз вақтида ёки кечроқ жўнатилгани ҳам, шунингдек, айнан нечта саволга жавоб қайтарилгани ҳам ҳисобга олинади. Юборилаёт-

Куйидаги иштирокчилар йўллаган жавобларининг тўғрилиги, ўз вақтида жавоб қайтаргани, ҳамма ёки энг кўп саволларга тўғри жавоб юборгани жиҳатидан **Ғолибликка** лойиқ топилди.

Муаттархон Рўзиева — Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги академик лицейнинг 3-босқич ўқувчиси.

Ҳафиза Каримова — Тошкент шаҳар Ахборот-кутубхона маркази директори.

Рағбатлантирувчи мукофотга сазовор бўлганлар:

Ислом Фуломов — Ўзбекистон давлат консерваториясининг 2-босқич талабаси.

Ақида Саидова — уй бекаси, Учтепа тумани.

Гўзал Тимирова — 1-Республика тиббиёт коллежининг 3-босқич ўқувчиси.

Вадим Свишев — инженер-алоқачи.

Валерий Абдурашидов — пайвандчи-уста.

Мухтабар Толипова — 47-мактаб ўқитувчиси.

Шунингдек, Зикрилла Солихўжаев, Гулрух Эгамбердиева, Амриддин Икромов, Барно Норова, Зарнигор Ибрагимова, Дилноза Мухсинова каби қатор муаллифлар ҳам фаол қатнашганларини эътироф этамиз.

Азиз ҳамшаҳарлар, викторинамиз давом этади, Сиз ҳам қатнашинг ва ғолиблар сифида бўлинг.

Шаҳризода МУХСИМОВА

НАВБАТДАГИ БОСҚИЧ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

ган жавоблар ижодий гуруҳ томонидан ўрганиб чиқилиб ғолиб ва совриндорлар аниқланиб боришмоқда.

Викторинанинг учинчи ва тўртинчи босқичидаги саволларнинг мазмун-моҳиятида ҳам асим шахримиз тарихи ва бугуни билан боғлиқ жиҳатлар, ҳусусан, мустиқиллик йилларида бу ерда амалга оширилган оламшумул ишлар ҳақида маълумотлар сўралган. Шуни мамнуният билан қайд этиш керакки, газет-хонларимиз саволларга катта қизиқиш билан ёндашган, баъзи муаллифлар саволларга энциклопедик манбалар ва интернет орқали кўпгина маълумотлар тайёрлаб юборишган.

Биз бугун викторинанинг учинчи ва тўртинчи босқич ғолибларини эълон қилмоқдамиз.

**Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги
«Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид
давлат сиёсатини амалга оширишга
қаратилган қўшимча чора-тадбирлар
тўғрисида»ги Қарори ёшларни ҳар
томонлама қўллаб-қувватлашга
қаратилгани билан диққатга сазовордир.
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
томонидан истеъдодли ёш шоир, носир ва
драматургларнинг қўллаб-қувватланиши,
уларнинг бадиий асарлари «Ижод» фонди
маблағлари эвазига чоп этилаётгани ҳам
фикримизнинг ёрқин исботидир.**

**Ёшларга оид давлат
сиёсати — амалда**

ТАЪЛИМ ДАРГОҲЛАРИГА ТАРҚАТИЛАДИ

Жорий йилда «Ижод» фонди томонидан чоп қилинган 6 нафар ёш ижодкорнинг илк тўплами «Академнашр» ижодий жамоасининг энг гўзал намуналари бўлди, дейишимиз мумкин. Ана шу муносабат билан Ёзувчилар уюшмасида китоб муаллифларини табриклаш маросими бўлиб ўтди.

Уюшма раҳбарлари, таниқли ёзувчи ва шоирлар адабиётимизнинг навқирон авлоди вакиллари илк муваффақиятлари билан қутладилар.

— Қувончим чексиз. Давлатимиз томонидан ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан биз ҳам баҳраманд бўлдик. «Ижод» фонди кўмагида менинг ҳам «Мактуб» номи хикоялар тўплами дунё юзини кўрди. Унга 8 та хикоя киритилган. Лотин имлосида чоп этилган мўъжазгина тўплам ёш китобхонларга манзур бўлишига умидворман, — дейди «Жаҳон адабиёти» журнаlining бўлим бошлиғи, ёш адиб Фозил Фарҳод.

20 минг ададда босилган шеърӣ ва насрий китобчалар таълим даргоҳларига бепул тарқатилади.

Хулқар КУЗМЕТОВА

Бутунжаҳон универсиадаси – 2015

СПОРТЧИЛАРИМИЗ БУТУНЖАҲОН УНИВЕРСИАДАСИДА ҚАТНАШАДИ

**Жорий йилнинг 3-14 июль кунлари Жанубий Кореянинг
Кванджу шаҳрида бўлиб ўтадиган XXVIII Бутунжаҳон
универсиадасида 170 давлатдан 12 минг нафардан зиёд
талаба-ёш 21 спорт тури бўйича 272 медаллар
жамланмаса учун қуршади.**

Нуфузли мусобақада Ўзбекистон спорт делегацияси таркибидан 31 нафар талаба спортнинг академик эшак эшиш, энгил атлетика, тазквондо (WTF), теннис, қиличбозлик, спорт гимнастикаси, бадиий гимнастика ва дзюдо турлари бўйича баҳсларда қатнашади.

Мамлакатимизда жисмонан соғлом, маънан етук ёш авлодини тарбиялаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш Президентимиз Ислом Каримов юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидандир. Истиқлолнинг дастлабки йилларидан мамлакатимизда спортни оммалаштиришга қаратилаётган алоҳида эътибор замирида ана шу эзгу мақсад мужассам.

Бу борада ўғил-қизларнинг маҳорат мактабига айланган уч босқичли спорт йўналиши — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада мусобақа-

лари янги-янги истеъдодларни кашф этиш ва уларни катта спортга тайёрлашда муҳим омили бўлаётди.

Бутунжаҳон универсиадасида юртимиз шарафини ҳимоя қилишга бел боғлаган спортчиларимиз орасида уч босқичли спорт тизими мусобақаларидан етишиб чиққан иқтидорли йигит-қизлар кўпчилигини ташкил этади.

Дунё мамлакатлари олий ўқув юрлари талабаларининг ўзига хос олимпиадаси сифатида эътироф этиладиган ёшги универсиадада 1959 йилда асос солинган. Бир йилдан сўнг кишики спорт турлари бўйича ҳам талабалар уйинларини ўтказиш йўлга қўйилган. Бу нуфузли мусобақалар Халқаро университет спортлари федерацияси — FISU томонидан ташкил этилади.

Ўзбекистон спортчилари ёшги универсиадаларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Жумладан, 2013 йили

Россиянинг Козон шаҳри мезбонлик қилган XXVII Бутунжаҳон универсиадасида талабаларимиз 2 олтин, 7 кумуш ва 10 бронза медални қўлга киритган.

Бу галги Бутунжаҳон универсиадасидаги спортчилари учун 2016 йилги XXXI ёшги Олимпия уйинларига ўзига хос тайёргарлик вазифасини ўтайди. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёшги Олимпия ва XV Паралимпия уйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги Қарори бунда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Нуфузли мусобақада Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш биз, спортчилар учун энг катта бахт, — дейди дзюдо бўйича халқаро турнирлар совриндори Шухратжон Арслонов. — Бутунжаҳон универсиадасида мамлакатимиз ёшлари ҳеч қимдан кам эмаслиги ва кам бўлмаслигини яна бир бор исботлашга, Президентимиз ва халқимизнинг юксак ишончини оқлашга ҳаракат қиламиз.

**Байрам АЙТМУРОВОВ,
ЎЗА муҳбири**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси биржа савдоларига таклиф этади!
2015 йил 10 августда «Тошкент» РФБнинг биржа савдоларига чиқариладиган акция пакетлари рўйхати

№	Эмитент номи	Устав фондидagi улуш %	Савдога чиқарилаётган акциялар сони, дона	1 дона акциянинг номинал қиймати, сўм	1 дона акциянинг таклиф этилаётган бошланғич нархи, сўм	Акциялар пакетининг бошланғич нархи, сўм
1	«UzMED-Lizing» АЖ	13,33	200 000	1330	2 428,25	485 648 359

Қўшимча маълумотлар учун: «MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖга мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефонлар: 236-71-71, 236-77-92. E-mail: info@ndvakt.uz, www.gkk.uz

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, А.Темур шоҳқўчаси, 16а-уй. Телефонлар: 233-35-08, 233-22-83. E-mail: ugki@rambler.ru, www.gkktashkent.uz

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ ЙЎЛИДА

**Шайхонтоҳур туманидаги
«Чакар» маҳалла фуқаролар
йигинида маҳалла фаоллари,
аҳоли ҳамда ёшлар иштирокида
«Жиноят ва жазо» деб номланган
тадбир бўлиб ўтди.**

Унда сўзга чиққан «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар Кенгаши координатори Жаҳонгир Тангиркулов, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими вакили Бобурмирозо Охунов, «Камолот» ЁИХ туман Кенгаши раиси Лазиз Тўраев ва бошқалар юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикнинг қадри баландлиги, вояга етмаганлар тарбиясига эътиборли бўлиш муҳимлиги, уларни назоратсиз қолдирмаслик, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш энг муҳим масалалардан бири эканлигини таъкидлаб ўтишди.

Тадбир давомида йиғилганларга «Олов билан ўйнашганлар», «Залолатларга заифлар» номли ҳужжатли фильмлар намойиш этилди. Ўйлашимизки, ушбу фильмлар тадбир иштирокчиларининг жиноятга жазо муқаррарлиги, огоҳлик давр талаби эканлигини тушунишларида муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирни ташкил этишдан кўзланган мақсад вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама юксак маънавиятли, соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг ёшга таътилдаги бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ҳамда қаровсиз ва назоратсиз қолишининг олдини олишга қаратилди.

Зарина РУСТАМОВА

Огоҳлик

ФАРЗАНДЛАРИНГИЗНИ НАЗОРАТСИЗ ҚОЛДИРМАНГ!

Ёз мавсуми бошланиб, кунлар қизий бошлапти. Шубҳасиз, об-ҳавонинг тобора исб кетиши туфайли фуқароларнинг сувга, чўмилишга бўлган эҳтиёжи ортиб бориши табиий. Афсуски, сувга чўкиб кетиш билан боғлиқ бўлган кўнгилсиз ҳодисалар ҳам учраб турибди. Сувга ғарқ бўлиш ҳолатларининг аксарияти кўрикланмайдиган дарё, канал ва анҳорларда кўпроқ кузатишмоқда. Аянчли томони шундаки, сувда чўкаётганларнинг кўп қисмини вояга етмаган ёш болалар ташкил этади. Бунинг асосий сабаблари баъзи кишиларнинг сузишни яхши билмаслиги, чўмилиш қоидаларига риоя қилмаслик ва бошқа омиллардир.

Умумий таҳлилларга қараганда, чўмилиш хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик, ёш болаларнинг ота-оналар томонидан назоратсиз қолиши, чўкаётган одамга ўз вақтида кўмак бера олмаслик, яъни қутқарув усулларидан бе-хабарлик, қирғоқдагиларга ёрдам кўрсата билмаслик сувда чўкиш ҳодисаларига сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, сузиш пайтида энгилтаклик ёки лоқайдлик билан ўз кучига ортиқча ишониб, сув ва қайиқда безорилик ёки номуносиб хатти-ҳаракатлар қилиш ва нота-ниш жойда ёлғиз ҳолда чўмилиш кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкин. Юқорида айтиб ўтилган эслатмаларга ҳар бир инсон риоя қилса, бир қанча нохуш ҳодисаларнинг олди олинган бўлур эди.

Хурматли ота-оналар!

Болаларингизни сувга чўкиб кетиш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалардан асрашни истасангиз доммо огоҳ бўлишингизни, фарзандларингизни ҳеч қачон назоратсиз қолдирмаслигингизни ва уларни чўмилиш тақиқланган дарё, канал ва анҳорларда чўмилишига рухсат бермаслигингизни эслатиб ўтамыз.

Тошкент шаҳар Фавкулдада вазиятлар бошқармаси

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 233-28-95.
Факс: (371) 232-11-39. Манзил: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.



кундузи — 36-38 да-
ража иссиқ бўлади.
Ўзгидрометнинг мо-
нитинг хизмати маълумотида кўра,
7 июль кунин Тошкент

Тошкент шаҳрида 7 июль шаҳрининг об-ҳаво шароити кунин ҳаво ўзгариб туради, шаҳар ҳаво муҳитида зарар-
ёғингарчилик бўлмайди. ли моддаларнинг сақланиб
Шарқдан секундида 5-10 қолишига имконият яра-
метр тезликда шамол эсади. ди, ифлосланиш даражаси
Ҳарорат кечаси — 18-20, наст бўлади.